

РЕСПУБЛИКАМИЗ ХУДУДИДАГИ АВТОМОБИЛ ЙЎЛЛАРИ ВА ЙЎЛ ЁҚАСИНИНГ ЛАНДШАФТ ЕЧИМЛАРИ

Абдуллаев Азимжон Карим ўғли.

Термиз давлат университети Архитектура
ва курилиш факультети талабаси

Илмий раҳбар: **Убайдуллаев Анвар Азамович.**

АННОТАЦИЯ

Худудининг иқлим шароитидан келиб чиққиб ландшафт ечимларини ишилаб чиқшида маҳаллий ва иқлимлаштирилган манзарали ўсимликлардан фойдаланилган ҳолда ҳудудни ободонлашириши тўғрисида илмий изланишилар натижалари келтирилган.

Калит сузлар: ландшафт ечимлари, ўсимликлар композитсияси, эстетик ва функционал сифатлар, бир йиллик ва кўпийиллик гул ўсимликлар, технологик қашфиётлар, очиқ муҳитлар, ҳиёбон, сайилгоҳ, арид ҳудудлар, экология, яшил архитектура, манзарали дараҳт ва буталар.

Ўзбекистон – кам ўрмонли мамлакат, шу сабабдан яшил ўсимликлар бу ердаги табиат кўринишини белгилайди. Мамлакатимизда аҳоли яшаш жойлари, йўллар, ирригация иншоотлари, сув омборларини кўкаламзорлаштириш ишлари кенг кўламда олиб борилади. Иҳота ва тоғ мелиоратив ўрмончилик улкан аҳамиятга эга, чунки сув, ҳаво ва тупроқни муҳофазалашда ўрмоннинг ўрни бекиёсdir.

Республикамиздаги халқаро, давлат ва вилоят аҳамиятидаги автомобиль ва темир йўллари атрофларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, йўллар ёқасида боғлар барпо этиш ҳамда шамолдан ҳимоялаш учун ихоталар ташкил этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11 сентябрдаги қарори билан 2018–2020 йилларда автомобиль йўллари, жумладан шаҳарларнинг умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари ва кўчаларини кўкаламзорлаштириш дастури қабул қилинди.

Республикамиздаги халқаро, давлат ва вилоят аҳамиятидаги автомобиль йўллари, аҳоли турар жойлари – шаҳарлар, туманлар, қишлоқ ва посёлкаларни кўкаламзорлаштириш – бу жойларни ободонлаштиришнинг асосий воситаларидан бўлиб ҳисобланади.

Автомобил йўлларини ободонлаштириш асосан йўл бўйи ихотазорлари бўлиб, йўлни емирилишдан сақлайди, ҳаракат хавфсизлигини таъминловчи қулай иқлим ва гигиеник шароитларини вужудга келтиради.

Ушбу экинзорлар релефнинг текислик жойларида, қаторлаб экиш йўли билан барпо этилади, қаторлар сони йўл четидаги кенглик билан белгиланади. Қишлоқ хўжалик экинлари чегарасида яратилган кўпқаторли экинзорлар бир вақтнинг ўзида далани ҳимояловчи ихотазорлар бўлиб хизмат қиласди.

Йўлнинг тепалик жойли қисмларида асосан дараҳт-буталар жойлаштирилади. Қаторли ихотазорлар Ўзбекистоннинг жанубий туманлари йўлларида алоҳида аҳамиятни касб этади. Лекин, бир хилдаги қатор экинзорлари транспорт хайдовчисини толиқтириб қўяди. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, қаторли экинлар орасида манзарабоп дараҳтлар гурухи, буталар гурухи ва уларни аралаш экинзорларини барпо этиш мумкин [1-3]. Йўлнинг бўлиш қисмida қаторли буталар, буталар гурухлари, паст бўйли дараҳтлар, гуллар экиласди. Уни чегаралаш учун бордюрлар, яшил тўсиқлар ёки бетонли деворча барпо этилади. Бўлиниши қисмидаги дараҳтлар газонларда (чим устида) экиласди.

Автобус бекатларининг орқа томонидан қаторли экинзорлар; бекатнинг иккала томонида эса – дараҳт ва буталарнинг алоҳида ёки гурухланган экинлари яратилади. Имконияти мавжуд бўлган жойларда, бекат олдида работкалар жойлаштирилади. Очиқ худуд бор бўлган жойларда бир ёки бир нечта турлардан кичик дараҳзорлар экиласди [1]. Бу жойлар дам олиш учун мослаштирилади.

Темир йўлларни кўкаламзорлаштириш: кўп қаторли ўрмон экинзорларини яратиш (йўлларни қум ва қор кўчкиларидан муҳофазалаш мақсадида); темирйўл ёнидаги поселкаларни кўкаламзорлаштириш яқин жойда жойлашган сув ҳавзалари ва кўлларни кўкаламзорлаштириш; темир йўл вокзалларини кўкаламзорлаштиришни ўз ичига олади.

Экинзорлар транспорт қатнови жадал бўлган кўчалардаги карбонат ангидриди газини тўпланишини камайтиради. Р.А. Бабаянц маълумотларига кўра, йирик кимё заводидан 2-2,6 км масофадаги тилоғоч, шумтол, қайнин, эман дараҳтлари 75-100% гача қуриб кетган, олма, тол, жасмин, терак барглари эса 30-75% га зааралangan [4-6].

Атмосфера ҳавоси ёқилғининг тўлиқ ёнмаган чиқитлари – қукун

углеводород бирикмалари билан ҳам ифлосланади. Инсоннинг нафас олиш йўлларида ҳаво таркибида аралашманинг 13 дан 48% гача [5] бўлган қисми ушланиб қолади. Заҳарли моддаларнинг қолган қисми инсоннинг ички органларига ўтиб, организмнинг захарланишига олиб келади.

Ўзбекистоннинг аҳоли яшаш жойларида ёз мавсумида ҳавонинг юқори даражада чангланиши кузатилади. Бунга сабаб – сариқ, қумоқ тупроқларнинг ўзига хос физик хоссалари ҳамда воҳаларни қамраб турувчи қумликларда эса диган гармсел шамолларининг таъсиридир. Яшил экинзорлар шаҳар кўчаларининг ҳаво алмашинувини яхшилайди ва уни тозалашга имкон яратади. Тўлиқ қўкаламзорлаштириш натижасида ҳаво чангдан деярли батамом тозаланади. Бунда ўсимликлардан ажралиб чиқадиган фитонцидлар ҳаводаги зарарли микробларни 40-50% га камайтиради. Хатто, қиши ойларида дараҳтларнинг барглари бўлмаса ҳам, уларнинг чангдан ҳимоялашдаги аҳамияти катта. Ҳавонинг тозалигини таъминлаш учун бошқа қўшимча тадбирлар – саноат корхоналари чиқиндиларининг тарқалишини олдини олиш чора-тадбирлари билан бирга кўчаларни ободонлаштириш ҳам мухимdir.

Ёз мавсумида дараҳт ва буталар баргларидаги чангни тез-тез ювиб туриш зарур, акс холда экинзорлар аста-секин нобуд бўлиши мумкин. У ёки бу турдаги дараҳт ва буталарнинг чангдан ҳимоялаш хусусиятини ўрганиб, уларни тўғри танлаб жойлаштирилса, юқори ҳимоя самарасига эришиш мумкин.

Мухандислик ва экологик-биологик жихатдан тўғри лойиҳалаш орқали яшил экинзорлар ишининг санитарлик вазифаси самарадорлиги таъминланади. Яшил санитар экинзорларни барпо этишда шамол йўналиши, атмосферага тарқаладиган чиқитларнинг тuri, баландлиги ва таркиби, кимёвий ва физик хоссалари инобатга олиниши лозим.

Экинзорларнинг тузулиши, кенглиги, баландлиги ва дараҳт турлари таркиби ушбу қўрсаткичларга чамбарчас боғлиқ. Йирик шоҳ-шаббали, тукланган, ажинсимон, ғадир-будир, нотекис баргли дараҳт турлари (эман, қайроғоч, тут, қора ёнғоқ, оқ терак, чинор, майда баргли жийда, зирк, каталпа, совундараҳти, каркас ва б.) ҳаводаги чангни яхши ушлайди. Худди шулар захарли кимёвий бирикмаларни, айниқса, карбонат ангидридини тортиб олиб, ўзлаштиради.

Нина барглилар япроқ барги дараҳтларга нисбатан чангни кўпроқ ушлаб қолади. Куз, қорсиз қиши ва эрта баҳорда, аҳоли турар жойларида чанг қўп тўпланганида нинабарглиларнинг аҳамияти катта, чунки бу вақтда баргли дараҳтларнинг япроқлари бўлмайди.

Баланд ўсуви эман, софора, айлант, қайроғоч, шумтол дараҳтлари катта барг сатҳига эга бўлганлиги учун, улардан тузилган яшил массивлар атмосферани транспорт – саноат чиқитлари ва чангларидан яхши ҳимоя қилади.

Ўсимликлар барглари юзасида тўпланган чанг таркибида қуйидаги оғир металллар ва микро элементларнинг заррачалари бўлади: қўрғошин, темир, титан, мис, рух, никел, кобалт, марганец ва бошқалар. Йирик корхоналар атрофида

тарқалган чанглар таркибида (кул хажмидан) 37,9% темир, 15,3% алюмин, 2,7 % мис, 0,9% титан, 0,8% марганец ва 0,2% қўрғошин моддалари мавжуд. Атмосфера ва тупроқнинг оғир металлар қолдиқлари билан заарланиши оқибатида, уларнинг ўсимликларда тўпланиши қузатилади, чунки ўсимликлар барглари, поялари ва илдизлари ушбу моддаларни ўзида жамлаш хусусиятига эга. Айниқса, қумли тупроқларда ўсадиган ўсимликлар илдиз тизими орқали металлар қолдиқларни ниҳоятда юқори даражада ўзлаштириб, ўзида тўплаб олади. Бундай ерлардаги ўсимликлар баргларида қулнинг хажми бир ярим – икки бароварга ошиб, 13-17% ни ташкил этади. Шу сабабдан, йирик саноат корхоналари ва автомобил йўллари атрофида ва ёнида ўрмон ихотазорлари барпо этиш мақсадга мувофиқдир.

Нинабаргли дараҳтлар оғир металлар ва микроэлементларни ўзлаштирувчи ўсимликлар ҳисобланиб (арча, қарағай, можжевелник, тuya), ҳаво таркибининг заҳарланишини белгилаб берувчи индикаторлар вазифасини бажаради, чунки улар танасида некрозлар пайдо бўлиши ҳамда ниналари тўкилиши ҳавода хаддан зиёд заҳарли аралашмалар борлигидан далолат беради.

Шу сабабдан, минтақаларда шамол йўналишига тўсқинлик қиласиган перпендикуляр тарзда ихота дараҳтзорлари барпо этилади, шаҳарларда эса –кенг яшил ҳиёбонлар вентиляция йўлаклари вазифасини бажаради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

1. Уралов А.С., Адилова Л.А. *Ландшафт архитектураси. Чўлпон номидаги нашириёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент - 2014. - 382 б.*
2. Раҳимов К.Д. *Боғ-паркларни лойиҳалашнинг замонавий йўналишилари. Ўқув қўлланма. Тошкент —Машҳур-пресс‖, 2017.-267 б.*
3. Крижановская Н.Я. *Основы ландшафтного дизайна. Ростов-на-Дону «Феникс», 2005. -205 стр.*
4. Исакова Д. Е. *Ақлли боғлар ва уларни Ўзбекистон ҳудудида татбиқ этиши. Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган диссертатсия. Самарқанд. 2016. -97 б.*
5. Досахметов А. О. *Аҳоли яшаши жойларини кўкаламзорлаштириши. Маъruzалар матни. Тошкент, ТошДАУ, 2001.*